## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

## 560 Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қушимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш турисида

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот таркатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун кулай шартшароитлар ва омилларни яратиш, бунинг асносида оммавий ахборот воситаларининг мустакиллигини таъминлаш, ахборот сохасини ривожлантиришда, давлат хокимияти ва бошкаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш максадида:

1. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва нашриётлар ижтимоийсиёсий хамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й.



ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тулашдан;

тахририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг махсулотлари, китоб махсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган руйхат буйича оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона туловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) беш йил муддатга озод этилсин.

- 2. Белгилаб қуйилсинки, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва китоб махсулотларини етказиб бериш хизматлари қушилган қиймат солиғига тортилмайди.
  - 3. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари тахририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга;

чоп этилган махсулотларни сотишдан, мухаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузуридаги «Ижод» Жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий ажратмалар микдори икки фоиздан бир фоизга;

газета, журналлар ва китоб махсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 баробарга пасайтирилсин.

- 4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2012 йил 1 январдан бошлаб оммавий ахборот воситалари тахририятлари, нашриёт ва босмахоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сонини 50 нафардан 100 нафаргача ошириш тўгрисидаги таклифи кабул қилинсин.
- 5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қушимчалар буйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

## 52 (500)-coн — 31 — 560-561-моддалар

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

## **Узбекистон Республикаси Президенти**

и. каримов

Тошкент ш., 2011 йил 30 декабрь, ПК-1672-сон